

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВ ИБРАХИМ ИРКИНОВИЧ**

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БИТУМЛАР АСОСИДАГИ  
АСФАЛЬТБЕТОН ВА ТОМ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ,  
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Касимов Ибрахим Иркинович**

Модификацияланган битумлар асосидаги асфальтобетон ва том қопламаларининг структураси, хоссаси ва технологияси..... 3

**Касимов Ибрахим Иркинович**

Структура, свойства и технология асфальтобетонных и кровельных покрытий на основе модифицированных битумов ..... 27

**Kasimov Ibrakhim Irkinovich**

Structure, properties and technology of asphalt concrete and roofing coatings based on modified bitumen ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ,  
ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ВА НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**КАСИМОВ ИБРАХИМ ИРКИНОВИЧ**

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН БИТУМЛАР АСОСИДАГИ  
АСФАЛЬТБЕТОН ВА ТОМ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ,  
ХОССАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Техника фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T159 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент-архитектура қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ходжаев Саидаглам Аглоевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Негматов Сайибжан Садиқович**  
техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси академиги

**Хасанов Бахридин Баратович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Собиров Баходир Бойпулотович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент-архитектура қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 11 апрель соат 10<sup>00</sup> архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодрий кўчаси, 7В-уй. Тел.:(998 71) 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz) , [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.:(998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил 26 март куни тарқатилди.  
(2019 йил 20 февраль 4 - рақамли реестр баённомаси.)

**Х.А. Акрамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х. Х. Камилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

**Н.Х.Талипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., катта илмий ходим.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда автомобиль йўллари ва қурилиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда модификациялаш усули билан нефть гудронлари ва қовушқоқлиги паст бўлган битумларни оксидлаш технологиясини такомиллаштириш, модификацияланган битумлар асосидаги битум-минерал материалларининг структураси ва хоссаларини сифат даражасини ошириш катта аҳамият касб этмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Франция ва Япония каби давлатларда турли хил табиий иқлим шароитида эксплуатация қилинадиган асфальтбетон ва том қопламаларига турли омилларнинг таъсирини татқиқот этиш, уларнинг таркибини аниқлаш ва ишлаб чиқаришда янги технологияларини жорий қилиш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Шу жиҳатдан уларнинг хосса ва структураларини оптималлаштириш, узоқ вақт давомида хизмат қилишини ошириш ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда асфальтбетон ва том қопламалари таркибида қайта тикланмайдиган жараёнларни камайтириш, юқори ва паст ҳароратларда қопламаларнинг мустаҳкамлигини, эксплуатация хоссаларини ошириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада мураккаб иқлим шароити ва ташқи кучлар таъсирида ишлайдиган асфальтбетон ва том қопламаларнинг боғловчиларини модификациялаш, физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини бошқариш ва тадқиқотлар олиб бориш, уларни ишлаб чиқаришнинг илғор замонавий технологияларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга нефть гудронлари ва қовушқоқлиги паст битумларни оксидлаш технология асосида ишлаб чиқаришдаги жараённи соддалаштириш, энергия ва ресурс тежамкорлигини ошириш зарур ҳисобланади.

Республикамызда автомобил йўллари ҳолати сифатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қопламаларнинг эксплуатация хоссаларини ишончилигини ва умрбоқийлигини оширишга қаратилган технологияларини жорий этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, .... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш,...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан оксидлашсиз интенсив технологияни қўллаб йўлбоп ва томбоп модификацияланган битумлар асосида юқори сифатли асфальтбетон ва том қопламалар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сон «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чоратadbирлари дастури тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Янги қурилиш материалларини яратишга, модификацияланган битум-минерал материалларни таркиби ва хоссаларини оптималлаштиришга, уларнинг ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Institute of asphalt (АҚШ), European Asphalt Pavement Association (Белгия), University of Tokyo (Япония), Baoli bitumina Construction (Сингапур), «Иттифоқ йўл илмий тадқиқот институти» Ёпиқ акциядорлик жамияти, Санкт-Петербург давлат технологик институти, (Россия), Харьков миллий автомобиль йўллари университети (Украина), Тошкент архитектура-қурилиш институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳонда янги қурилиш материалларини яратиш ва уларнинг эксплуатация хоссаларини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: йўлбоп битумлар ва асфальтбетон қопламалари учун Superior Performance Pavements тизимининг оптимал таркибини ишлаб чиқиш (Institute of Asphalt, АҚШ); битум асосидаги композицион материалларни полимер қўшимчалар билан модификациялаб янги ҳароратга барқарор, ковушқоқлиги юқори бўлган турлари яратилган (University of Tokyo, Япония); йўлбоп битум-минерал материалларнинг узоқ вақт хизмат қилишини таъминлаш нанотехнологияси яратилган (Baoli bitumina Construction, Сингапур); асфальт-полимербетон қопламаларининг деформация таъсирига бардошлик даражасини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (Харьков миллий автомобиль йўллари университети, Украина); асфальтбетон қоришмаси таркибдаги минерал материалларни активлаштиришнинг технологик усуллари яратилган («Иттифоқ йўл илмий тадқиқот институти» Ёпиқ акциядорлик жамияти, Россия);

---

<sup>2</sup> Superpave System. Web page on the NCEPT web site. The Pennsylvania Transportation Institute, Pennsylvania State University. University Park, PA. Accessed 18. November 2001. <https://www.pavementinteractive.org/reference-desk/design/mix-design/superpave-overview/>; University of Tokyo <https://www.u-tokyo.as.jp>; СоюздорНИИ – головной научно-исследовательский институт Госстроя (Россия) в области строительства автомобильных дорог, мостов, тоннелей и аэродромов <http://souzdornii.ru/kontakty/>; <http://www.uzavtoyul.uz/cy-/post/avtomobil-yollari-ilmiytdqiqot-instituti.html> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

автомобиль йўллари учун қуруқ-иссиқ иқлим шароитида силжишга мустаҳкам асфальтбетон қопламалар яратилган (Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда модификацияловчи ва полимер қўшимчалар ёрдамида ишлаб чиқилган битумлар ва битум-минерал материалларнинг структураси, хоссаларини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: йўлбоп ва томбоп битумларни сирт фаёол қўшимчалар ва полимерлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда модификациялашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш; нефть гудронларидан юқори қовушқоқ битумларни оксидлаш технологиясини такомиллаштириш; битум-минерал материалларнинг қуруқ-иссиқ иқлим шароитига чидамли янги таркибларини яратиш; асфальтбетон ва том қопламаларининг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларини оптималлаштириш бўйича тажрибаларини математик режалашнинг автомат-лаштирилган усулини ишлаб чиқиш; асфальтбетон ва том қопламаларининг эксплуатация хоссаларини олдиндан башорат қилиш ва ишончилигини ошириш ҳамда узок муддат хизмат қилишига йўналтирилган усулларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қурилиш материалларининг физикавий ва кимёвий хоссаларини ҳамда модификацияловчи қўшимчалар ёрдамида битум ва битум-минерал моддаларнинг структурасини, хоссаларини, технологиясини ўрганиш, оптималлаштириш каби йўналишда илмий тадқиқотлар масалалари ва муаммолари бир қатор хориж олимлари: В.Нижбоер, А.А. Берлин (АҚШ), О.Добози Ж.Ромона, Р.Соттрре (Франция), Л.М.Гохман (Исроил), М.И.Волков, Л.Б.Гезенцвей, Н.В.Горельшев, Н.В.Иванов, А.Ф. Кемалов, А.С.Колбановская, М.И.Кучма, А.И.Лысихина, В.В.Михайлов, Б.Г. Печеный, П.А.Ребиндер, Д.А.Розенталь, И.А.Рыбьев, (Россия), И.В.Королев, В.А.Золотарев (Украина), А.М.Алиев (Азәрбайжон) ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Ўзбекистонда битумларнинг модификаторлар ёрдамида сифатини ошириш, йўл ва том қопламаларининг хоссаларини яхшилаш масалаларига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларга ҳисса қўшганлар: Н.С. Абед, У.Р.Жаббаров, А.Т.Жалилов, Э.У.Қосимов, А.М.Қорабоев, Ё.Н.Махмудов, С.С. Негматов, А.И.Одилхўжаев, Н.А. Самигов, Б.Б. Собиров, Т.И. Фозилов, Ф.Қ.Шамсиев ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотларида шубу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар. Ушбу тадқиқотларнинг аксарияти мураккаб, кўп меҳнат ва энергия сарфланадиган анъанавий оксидловчи технология билан юқори маркали битум ва битум-минерал моддаларни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Битум, битум-минерал моддаларнинг хоссаларини яхшилаш ва уларнинг ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган структура ҳосил қилувчи ва полимер қўшимчалар ёрдамида оксидлашсиз интенсив технология билан қовушқоқлиги паст битумлардан юқори ҳароратга

чидамли, қовушқоқ модификацияланган йўлбоп ва томбоп битумлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №124/87 «Оксидланмаган томбоп битум асосида рубероид ишлаб чиқариш технологиясини яратиш», №3/18 «Йўл қопламалари учун модификацияланган асфальтбетон қоришмасини ишлаб чиқариш» (2018-2019) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** модификацияланган битумлар ишлаб чиқаришнинг оксидлашсиз интенсив технологияни яратиш ҳамда улар асосида йўлбоп асфальтбетон ва томбоп қопламаларнинг структура ва хоссаларини оптималлаштириш ҳисобига эксплуатация хоссаларини ва ишончлилигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

полимерлар ва структура ҳосил қилувчи сирт фаол моддалар таъсирида битум ва битум-минерал моддаларнинг таркибини ўзгариши ва уларнинг физик-механик, физик-кимёвий хоссаларига боғлиқлигини тадқиқ этиш;

оксидлашсиз интенсив технологияни қўллаб ишлаб чиқарилган модификацияланган битумлар ва улар асосидаги битум-минерал моддаларнинг структурасини, хоссаларини шакллантириш ва оптималлаштириш;

модификацияланган битумлар асосидаги асфальтбетон ва томбоп қопламаларни структурасини, физик-механик, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини тадқиқ этиш;

модификацияланган битумлар асосидаги автомобиль йўл асфальтбетон қопламаларнинг эксплуатация хоссаларини ва характеристикасини ташхис ўтказиш;

оксидлашсиз интенсив технологияни қўллаб модификацияланган битум асосида йўл асфальтбетон ва томбоп битумли қопламалар ишлаб чиқариш ва қурилишга жорий этиш, улардан кенг фойдаланишни таъминлайдиган илмий-асосланган норматив-методологик ҳужжатларларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида асфальтбетон ва томбоп битумли қопламалар ва уларни ишлаб чиқаришда қўлланилган интенсив технология билан модификацияланган битумлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** оксидлашсиз интенсив технологияси билан ишлаб чиқарилган модификацияланган битумлар ва уларнинг асосида ишлаб чиқарилган асфальтбетон ва томбоп битумли қопламаларнинг таркиби, хоссалари ва технологиясини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида хроматографик таҳлил, инфрақизил спектроскопия ва физик-механик, физик-кимёвий синов ҳамда математик режалаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

полимерлар ва структура ҳосил қилувчи сирт фаол моддаларнинг модификациялаш таъсирини ҳисобга олган ҳолда қовушқоқлик, ҳарорат-



бардошлик даражаси юқори бўлган битумлар ва энергия ресурсларни тежовчи янги оксидлашсиз интенсив технология яратилган;

оксидланиш реакцияси натижасида мустаҳкам углеводород занжирларини ҳосил қилувчи эркин радикаллар пайдо бўлиши битумларни модификациялаш давридаги кечадиган физик ва кимёвий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда асосланган;

оксидланиш реакцияси даврида кислород таъсирида органик бирикмалардан водород ажралиб чиқиши ҳисобига қўшимча мустаҳкам структурали смола ва асфальтенларнинг ҳосил бўлиши битумни модификацияланишига асосланган;

«битум - сирт фаол модда - полимер - минерал модда» композициясидаги модификациялашда битум таркибида структура ҳосил бўлиш механизми сирт фаол модданинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

модификацияланган асфальтбетон қопламаларининг эластик хоссалари ва деформацияга чидамлилиги ҳамда эксплуатацион кўрсаткичлари ортиши сирт фаол моддалар ва полимер қўшимчаларнинг каогуляцион структурани ҳосил қилишини ҳисобга олган ҳолда асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

полимерлар ва структура ҳосил қилувчи сирт фаол моддалар билан модификациялаш ҳисобига қовушқоқлик даражаси ва ҳароратга барқарорлиги юқори бўлган йўлбоп ва томбоп битумларни оксидлашсиз интенсив технологияси ишлаб чиқилган;

оксидлашсиз интенсив технологиясини қўллаш натижасида технологик жараён ҳароратини пасайтириш, ишлаб чиқариш вақтини ва зарарли моддаларнинг атроф муҳитга тарқалишини қисқариши асосланган;

модификациялаш натижасида ишлаб чиқарилган битум ва улар асосидаги асфальтбетон ва том қопламаларининг эксплуатация хоссалари ва ишончлилигини ошиши ҳамда узоқ муддат хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, математик статистика усуллариининг қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа тажрибалар натижалари билан солиштириш орқали асосланганлиги, натижаларни меёрий-услубий хужжатларда қўлланилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги, ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, йўлбоп ва томбоп модификацияланган битумларнинг структура ва хоссаларни шакллантиришга оид тассавурларни ривожлантирилганлиги, оксидлашсиз интенсив технологияни яратиш натижасида битум таркибида смола ва асфальтенларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига қўшимча мустаҳкам структура ҳосил бўлиши механизми тадқиқот қилингани ва янги усуллариини қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти, энергия ва ресурсларни тежашга имкон берувчи модификацияланган битумнинг оксидлашсиз интенсив

технологиясини ишлаб чиқилганлиги, анъанавий оксидлаш технологиясидан воз кечилганлиги ҳисобига экологик муҳитга салбий таъсирни камайтирилганлиги, асфальтбетон ва томбоп битумли қопламаларининг эксплуатация хоссаларини ошганлиги ва узоқ вақт давомида хизмат қилишини таъминланганлиги ва меъёрий ҳужжатлар яратишда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Модификацияланган битумлар асосидаги асфальтбетон ва том қопламаларининг структураси, хоссалари ва технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оксидлашсиз интенсиф технологияни қўллаб қовушқоқ ва хароратга барқарор модификацияланган битумлар «EURO GLOBAL ASPHALT» МЧЖ заводида ва Янгийўл туман йўл эксплуатация унитар корхонасида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар давлат қумитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 03-6607-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш технологик жараёнида харорати 140-150 °С даражага пасайтириш, технологик жараён вақти 10-12 соатга қисқартириш, зарарли моддаларнинг атроф муҳитга тарқалишини 50 фоизга камайтиришга эришилган;

модификацияланган йўлбоп битумлар асосида асфальтбетон қоришмалари Автомобиль йўллар давлат қумитасини тасаруфидаги корхоналарда, жумладан Янгийўл туман йўл эксплуатация унитар корхонаси ва «EURO GLOBAL ASPHALT» МЧЖ заводида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар давлат қумитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 03-6607-сон маълумотномаси). Натижада асфальтбетон қопламаларининг мустаҳкамлиги, сув таъсири ва музлашга чидамлилиги 1,5-2,0 баробарга ошириш, полимерларни 50-60 фоизгача тежашга эришилган;

модификацияланган йўлбоп битумлар асосида асфальтбетон қоришмалари Янгийўл шаҳридаги Самарқанд кўчасида 2400 м<sup>2</sup> ва Тошкент шаҳридаги «Бунёдкор-Муқумий» чоррахасидаги 1600 м<sup>2</sup> йўлларни қоплашга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар давлат қумитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 03-6607-сон маълумотномаси). Натижада асфальтбетон қопламаларни тўшашда харорат 10 °С, пневмо катокларда асфальтбетон қопламаларни зичлаш сони 20%га камайтириш имкони яратилган;

асфальтбетон қоришмаларида структура ҳосил қилувчи қўшимчадан фойдаланишнинг талаблари МҚН 54-2009 муассасавий қурилиш нормалари «Йўл асфальтобетонларининг силжишга мустаҳкамлигини структура ташкил қилувчи қўшимчалар қўшиш ёрдамида ошириш бўйича методик қўлланма»си Автомобиль йўллар давлат қумитаси корхоналарида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар давлат қумитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 03-6607-сон маълумотномаси). Натижада йўлбоп модификацияланган битумларни 13-15 фоизга тежаш ва асфальтбетон қопламаларининг юқори хароратдаги силжишга бўлган мустаҳкамлигини 20 фоизга оширишга эришилган;

модификацияланган йўлбоп асфальтбетон қоришмаларини ишлаб чиқаришнинг талаблари ТИ-25982978:01-2018 технологик инструкция «Йўл қопламалари тўшаш учун модификацияланган асфальтобетон қоришмалари

ишлаб чиқариш» ШНҚ 3.06.03-08 шаҳарсозлик норматив қоидалари «Автомобиль йўллари»га қўшимча ўзгартиришлар киритиш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар давлат кумитасининг 2018 йил 17 декабрдаги 03-6607-сон маълумотномаси). Натижада модификацияланган битумлар асосидаги асфальтбетон қопламаларининг сифатини ва эксплуатация характеристикаларини оширишга эришилган;

юқори эксплуатация ишончилигига эга бўлган, том қопламалари учун томбоп қовушқоқ, ҳароратга барқарор битумларни оксидлашсиз интенсив технологияси Ўзбекистон Республикаси “Ўзқурилишматериаллари” АЖ тасарруфидаги “Ўзбеккровля” ишлаб чиқариш бирлашмаси заводида жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси “Ўзқурилиш материаллари” АЖнинг 2018 йил 3 ноябрдаги ББ-01/03-3633-сон маълумотномаси). Натижада қовушқоқлиги паст БНК 40/180 битумлардан қовушқоқ, ҳароратбардош модификацияланган БНК 90/30 битумлар олиш технологик жараён вақтини 14-15 соатга қисқартириш, ҳароратини 130-140 °С даражага пасайтириш, энергия ва ресурслар сарфини 50 фоизга қисқартиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та ҳалқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 11, шу жумладан 1 та хорижий журналларда чоп этирилган ва меъёрий-услубий қўлланма ва технологик инструкция нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларнинг тарақиётини устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Асфальтбетон ва томбоп қопламалар учун модификацияланган битумларнинг таркиби, хоссалари ва технологияси ҳақидаги замонавий назарий тасавурлар"** деб номланган биринчи бобида илмий-техник адабиётлар, маҳаллий ва хорижий нашрлар, жаҳон ва Ўзбекистон амалиётида самарали йўлбоп ва томбоп битумли қоплама материалларини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг бугунги ҳолати ва ривожланиши таҳлил қилинган,

асфальтбетон ва томбоп битумли қопламаларининг силжиш-, сув-, музлашда ва зарарли моддалар таъсирида унинг чидамлилигини оширишнинг назарий асослари ва амалий усуллари таҳлил қилинган.

Асфальтбетон ва томбоп битумли қопламалардаги битумдан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари таҳлили шуни кўрсатдики, нефт битумини ишлаб чиқаришнинг мавжуд усуллари энергия сарифи юқри ва мураккаб технологик жараёнларга, хусусан, юқори даражада ва кўп вақт давомида катализаторлардан фойдаланмасдан, ҳаводаги кислород таъсирида оксидланишини техник ва иқтисодий кўрсаткичларни пастлиги, ҳамда экологик зарарлиги кўрсатилган.

Диссертация мавзуси бўйича адабий ва патент манбаларининг муаммони ҳал этиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

**"Асфальтбетон ва томбоп қопламалар учун битумлар олишнинг назарий асослари ва илмий-услубий ёндашувлари"** мавзусидаги иккинчи бобида диссертацияни бажаришдаги эксперименталь тажриба ишларида қўлланилган хомашёлар, битум ва битум-минерал материалларнинг тузилиши ва хоссалари берилган.

Битум ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган нефт гудронини оксидлашини интенсификация қилиш учун мавжуд бўлган усулларни танқидий таҳлил қилинди. Илмий асосларини шакллантириб ишчи гипотезани қуйидагича таърифлаш мумкин: битум ва битум минерал моддаларининг структураси ва хоссаларини шаклланиш жараёни, юқори молекуляри бирикмалар назариясига асосланиб, нефт гудрони ва нефт дисперс системаси таркибидаги фаза ўзгаришлар назарияси асосида тўпланган экспериментал маълумотлар қабул қилинган.

Структура ҳосил қилувчи сирт фаол моддалар (СФМ) ва полимерлар ёрдамида, нефт гудронлари ва қовушқоқлиги паст бўлган битумларни оксидлашсиз интенсив технология асосида маркали қовушқоқ ва юқори ҳароратларга чидамли битум олиш натижасида физик ва кимёвий жараёнлар содир бўлади, шу билан бирга, хомашё таркибидаги ўзгаришлар занжирли механизм орқали содир бўлади ва кислород органик бирикмалар билан таъсир ўтказди, водородни ажратади ва молекулага киритилади, оксидланиш реакцияларида иштирок этувчи эркин радикаллар ҳосил бўлади, шунда юқоримолекуляр структуранинг қайта таркиб топиши ва узоқ муддатли оксидланиш жараёнига ўхшаш битумларнинг физик-кимёвий хоссалари кескин ўзгариши содир бўлади.

Оксидлашсиз интенсив технология битумларнинг физик-механик хоссаларини, асосан қовушқоқлигини ва иссиқликка чидамлилигини оширади. Модификацияланган битум асосида ишлаб чиқарилган асфальтбетон ва томбоп битумли қопламаларининг эксплуатация хоссаларини оширади, ишлаб чиқаришда энергия ресурси ва меҳнат сарфини сезиларли даражада пасайишини таъминлайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ хом ашёни танлаш, характерлаш ва уларни синаш усуллари аниқланди. Экспериментларда стандарт

усуллар билан биргаликда муаллиф томонидан тавсия этилган усуллар ва физик-механик ва физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари, битум ва битум-минерал моддаларининг хоссаларини ўрганиш қўлланилди. Асфальтбетонларининг таркиби ва хоссаларини оптималлаштириш учун экспериментларни математик режалаштириш усуллари қўлланилди.

Битум хом ашёси оксидланишини интенсифлаштириш учун мавжуд бўлган усулларни таҳлил қилганда катализаторлар сифатида ишлатилаётганган қўшимчаларнинг паст самарадорлиги, битумларни анъанавий тайёрлаш технологияси мураккаблиги аниқлади. Битум хом ашёни узоқ вақт оксидланиши ишлаб чиқариш ресурслари ва энергия сарфини оширади, атмосферани ифлослантиради ва шу сабабли атроф-муҳитга катта зарар етказади.

Диссертациянинг учинчи **"Оксидлашсиз интенсиф технология асосида ишлаб чиқарилган йўлбоп ва томбоп битумларнинг структураси ва хоссаларига модификация қилувчи қўшимчаларнинг таъсири"** деб номланган бобида структура ҳосил қилувчи СФМлар ва полимерлар ёрдамида йўлбоп ва томбоп битумнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари экспериментал ва назарий тадқиқотлар асосида, ишлаб чиқариш учун оптимал параметрлар аниқланилди.


СФМ "СП-ОЭП" моддасининг нефт битумларига нисбатан максимал фаоллигини уларнинг миқдори, маркаси, олинган ҳудуди ва қайта ишлаш технологиясига боғлиқ бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг оптимал тадбиқ қилиш, қовушқоқлиги паст ва юқори ҳароратларга чидамсиз битумларни модификациялаш учун қўллаш мақсадга мувофиқ бўлди.

Синов натижаларини таҳлил қилинганда (1-расм) СБС "Кратон Д1101" полимер ва СФМ "СП-ОЭП" ёрдамида ишлаб чиқарилган йўлбоп битумлари уч компонентли моддалар таркибига қараб, янада кенг ҳарорат доирасида пластик хоссага эга эканлигини кўриш мумкин.

Полимер қўшимчаси сифатида СБС каби энг самарали турлари таланган ва уни олиш технологияси содда ва қовушқоқлиги паст битумлар асосида олинга.

Асосан қовушқоқлик даражасининг ошиши ва юқори ҳароратларга чидамлилиги, мўртлик температурасини пасайши модификаторларнинг миқдориини боғловчи таркибида ошиши билан боғлиқ. Бу процесс битум-минерал қоришмасидаги когезия ва адгезия мустаҳкамлигини кучайишига ёрдам беради.

Структура ҳосил қилувчи СФМ «СП-ОЭП» қўшимчанинг битум билан ўзаро таъсирида унинг структураси қайта қурилади ва бу жараён битумлар физик-кимёвий хоссаларининг кескин ўзгариши билан кечади, деб тахмин қилиш мумкин. Бу нефть гудронларини ва паст қовушқоқ, юқори ҳароратларга чидамсиз битумларни анъанавий энергия кўп сарфланадиган ва узоқ муддатли оксидлаш технологик жараёнидан воз кечиш имконини беради.




1- расм. СФМ «СП-ОЭП» қўшимча миқдорининг, 2,0% СФС «Кратон 1101» полимер қўшилган БНД-200/300 битумнинг физик-химівий хоссаларига таъсири. 1-юмшаш температураси, °С; 2- игна кириш ўлчами, 0,1мм, 25 °С да, 3 - шу жумладан 0 °С да; 4 - чўзилувчанлик, см 25°С да, 5- шу жумладан 0 °С да; 6-мўртлик температураси - °С

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўришиб турганидек, модификаторсиз дастлабки битум синовдан олдин, модификацияланган битумга қараганда, анча паст юмшаш температурасига эга, бироқ термостатлаш вақтининг бошланғич давридаёқ унда юмшаш температурасининг жадал кўтарилиши кузатилади.

Тадқиқ қилинаётган таркибларда битумни юмшаш температураси, қовушқоқлик, мўртлик температураси, масса йўқотиш каби хоссаларининг, таҳлили шуни кўрсатадики, модификацияланмаган битумда қариш жараёни айниқса тез кечади.


Материалнинг вақт ўтиши билан юмшаш температурасининг ошиши эксплуатация пайтида битумнинг ўз хоссаларини узоқ вақт сақлай олиш қобилиятига қараб аниқланди. Тадқиқотлар 80°С ҳароратда бажарилди, бунда боғловчининг хоссалари 7, 14 ва 28 кеча-кундуз назоратда аниқланди (2-расм).

СФМ «СП-ОЭП» қариш ингибитори бўлиб хизмат қилади ва битум структурсидаги компонентлар ўртасидаги ўзаро таъсирини блокуровка қилиб, фаол моддалар билан реакцияга киришиб, ҳар хил ташқи омилларнинг салбий таъсирига тўсқинлик қиладиган кам фаолликка эга радикаллар ҳосил қилади.



2-расм. Вақт давомида термостатик усулда БНК-45/190 битуми ва уни модификациялангандан кейинги эриш температурасига таъсири

3-расмда келтирилган маълумотлар гувоҳлик беришича, СФМ «СП-ОЭП» қўшимчасининг қўлланиши битумнинг силжишга бўлган температурда қаршилигини оширади.




3-расм. СФМ «СП-ОЭП» 2,0% қўшилган БНД-200/300 битумининг реограммаси, 1-45 °С; 2-50 °С; 3-55 °С; 4-60 °С; 5-65 °С

Бу жараён мос равишда, улар асосидаги асфальтбетонларнинг силжишга бардошлилигини ошириш имконини беради. Полимер СБС «Кратон Д1101»

модификацияланган битум таркибидаги ПАВ «СП-ОЭП»нинг миқдорини ошириши боғловчининг динамик айниқса хақиқий қовушқоқлигини ошириши билан ифодаланган. Натижада мустақил уски молекуляр структура – смолалар, асфальтенлар хоссаларига эга бўлган ва уларнинг концентрациядан ҳосил бўлиши кимё-структура ўзгариш усули билан ҳам аниқланган.

Олинган тажриба натижаларини таҳлил қилганда модификацияланган битумларни юқори тезликда ҳам деформацияланишига қаршилиги ошади бу дегани структурани бошқа фазага ўтиши ва уни силжишга бўлган қаршилигини оширади.

4-расмдан кўриниб турганидек, оксидланган битум таркибида, қўшимчали битумга нисбатан ёғлар миқдори 13,2% кам, смолалар 7,5 % ортиқ ва асфальтенлар эса 5,2% ортиқ.



**4-расм. СФМ «СП-ОЭП» қўшимча миқдорининг, БНК 45/180 битумнинг групповий кимё таркибига таъсири. БЦАБ– (1) бициклоароматик бирикмалар, МЦАБ– (2) моноцикло-ароматик бирикмалар, ПНБ - (3) парафин-нафтен бирикмалар, СТС – (4) спирт-толуол смолалар, ТС – (5) толуол смоласи, А – (6) асфальтенлар**

Битумлардаги моддаларнинг кимёвий таркибларининг ўзгариши уларга қўшилаётган СФМ «СП-ОЭП» миқдорига боғлиқлигини аниқлашга доир бажарилган тажриба ишлари натижаларини таҳлил қилганда шундай хулоса келиб чиқадики, битум таркибидаги СФМ «СП-ОЭП» миқдори 2 % гача бўлганда янги структура бирликлар фазаси асосан спирт-толуолли смолалар ҳисобига ҳосил бўлади.

Қўшимча миқдори оширилганда эса моноциклоароматик бирикмалардан ҳосил бўлади. Демак, битумдаги асфальтенлар миқдорининг кўпайиш жараёни толуолли ва спирт-толуолли смолалар ҳисобига содир бўлади. Бу битумнинг




пластик хоссаларининг сақланганлиги ва мўртлигининг камайганлигидан ва юмшаш температурасининг пастлиги ёғли қисм миқдорининг анча сақланиб қолганлиги билан изоҳланади.

Битумлар таркибига структура ҳосил қилувчи СФМ «СП-ОЭП» қўшимчаси қўшилганида, ундаги смолалар миқдори кўп бўлса, кимёвий реакция анча жадал кечади, бунда дисперсион муҳитда кучли структураланган асфальтенлардан коагуляцион тўрли каркас ҳосил бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, структура ҳосил қилувчи СФМ «СП-ОЭП» қўшимчанинг битум билан ўзаро кимёвий бирикишида молекула сирти структураси кўп сонли макромолекулалардан ташкил топган молекулалараро кучлар таъсирида асфальтен каркасли структуралар ҳосил бўлади.

Инфрақизил спектроскопия (ИҚС) усули (5-расм) билан олиб борилган тадқиқотда аён бўладики, дастлабки БНД 200/300 битум  $700-900\text{ см}^{-1}$  оралиқада ароматик бирикмаларни ўртача интенсивликда ютиш чизикларининг кенг чизикга эга эканлиги билан ажралиб туради:  $1040$ ,  $1160$ ,  $1510$  да ва  $1700\text{ см}^{-1}$  да кичик,  $1600\text{ см}^{-1}$  да ўртача.

Юқори частотали оралиқада фақат водород алоқасининг кенг чизик ( $3200-3500\text{ см}^{-1}$ ) турар эди. Битум БНД 200/300 га СФМ «СП-СЭП»  $1\%$  қўшилганида (2 - эгри чизик) унда  $700-850\text{ см}^{-1}$  оралиқада аниқ чўққили чизиклар интенсивлиги кескин ошди,  $850$ ,  $920$  ва  $1030\text{ см}^{-1}$  да кичик, аммо аниқ чўққилар пайдо бўлди.  $1500-1700\text{ см}^{-1}$  ли соҳа деярлик ўзгармади.



**5-расм. ИҚ- Спектрлари:** 1 - БНД 200/300; 2 - БНД 200/300 га СФМ «СП-ОЭП» қўшимчидан  $1\%$  миқдорда; 3 – шу жумладан  $2\%$ ; 4 – шу жумладан  $3\%$

Аммо юқори частотали оралиқада интенсив чўққилар ҳамма эгри чизикларда пайдо бўлди, шунингдек  $3400\text{ см}^{-1}$  чизикда тобора ортиб борувчи


интенсивликдаги ва  $3160 \text{ см}^{-1}$  да унча катта бўлмаган, лекин аниқ чўкқилар пайдо бўлди.

ИҚС синов натижаларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, спектрларни юқори нуқтаси  $3460 \text{ см}^{-1}$  бўлган, парафин-нафтен углеводородлар миқдорининг камайиши ҳисобига ҳосил бўлган ароматик углеводородларга тегишли интенсив ютувчи чизиқнинг пайдо бўлиши модификацияланган битумларда қўшимча мустақил структуравий тўрнинг ҳосил бўлиши тўғрисидаги бизнинг назарий тасаввурларимизни тасдиқлайди.

Тажрибалар асосида олинган экспериментал-назарий маълумотлар асосида асфальтбетонли йўллар ва томбоп битумли қопламалар учун оксидлашсиз интенсив технология бўйича модификацияланган битумларни олиш методлари ва усуллари ишлаб чиқилди ва илмий-методик ёндошувлар ва назарий асослари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Модификацияланган битумлар асосидаги асфальтбетонларнинг физик-механик ва деформатив хоссалари”** мавзуидаги экспериментал-назарий таҳлил натижалари келтирилди.

Полимер СБС «Кратон Д1101» билан модификацияланган битум асосидаги асфальт боғловчи хоссаларига СФМ «СП-ОЭП» миқдорининг қандай таъсир кўрсатишини ўрганиш (6-расм) натижасида шу нарса аён бўлдики, у  $20 \text{ }^{\circ}\text{C}$  ва  $50 \text{ }^{\circ}\text{C}$  да сиқилишга бўлган мустаҳкамлигини юқорилиги, сувга чидамлилиги, узок вақт сувга тўйинганда сувга чидамлилигини намоён қилди.



6-расм. СФМ «СП-ОЭП» қўшимча миқдорининг полимер СБС «Кратон Д1101» асосида модификацияланган асфальтбоғловчининг хоссаларига таъсири; 1, 2 -  $20 \text{ }^{\circ}\text{C}$  ва  $50 \text{ }^{\circ}\text{C}$  ҳароратда асфальтбетонни сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги; 3 – сувни вақтинча таъсирида чидамлилиги, 4 – сувга тўла тўйинган ҳолатдаги чидамлилиги.

Хоссаларнинг яхшиланганлиги шундан далолат берадики, модификаторлар комплекс қўлланишида асфальт боғловчи модификацияланган битум структурасига СБС «Кратон Д1101» полимери ва СФМ «СП-ОЭП» таъсир кўрсатади.

Математик моделлаштириш усулида асфальтбоғловчининг сиқилишга чидамлилиги оптималлаштириш синовлари 50 °С температура таъсирида олиб борилди.

Корреляцион-регрессив таҳлил асосида модификацияланган битум, битум-минерал материаллар ва белгиланган хоссага эга асфальтбетонлар олиниши, бошқарилиши ва прогноз қилиниши учун математик моделлар ишланди.

Ўзгариб турадиган омиллар:

$x_1$  - БНД 200/300 маркали битумнинг асфальт боғловчи таркибидаги микдори (қоришмадаги битум кукун массасига нисбатан %да олинади);

$x_2$  - СБС «Кратон Д1101»нинг қоришмадаги таркиби, битум массасига нисбатан %да;

$x_3$  - СФМ «СП-ОЭП»нинг қоришмадаги таркиби, битум массасига нисбатан % да.

Оптималлаштириш жараёни иккинчи тартибдаги полином билан тавсифланади, бунинг учун тўлиқ факторли экспериментнинг ортогонал режаси танлаб олинди (1-жадвал):

1-жадвал

Режалаштирилган экспериментнинг дастлабки маълумотлари	$x_1$	$x_2$	$x_3$
Эксперимент маркази	12,5	2,0	2,0
Ўзгариш оралиғи	1,0	0,5	0,5
Юқори босқич ( $x_i=+1$ )	13,5	3,0	1,0
Қуйи босқич ( $x_i=-1$ )	11,5	1,0	3,0

$x_0$  – эксперимент маркази;

$\Delta x_i$  – ўзгариш интервали.

Натурал қийматлардан кодланганларига ўтиш

$$x_i = \frac{x_i - x_0}{\Delta x_i} \quad (1)$$

формула бўйича аниқланади, бу ерда  $x_i$  – кодли ўзгарувчан қиймат.

Оптималлаштириш жараёнини тавсифлаш учун қўлланган тенглама  $y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_{1,1}x_1^2 + a_{2,2}x_2^2 + a_{3,3}x_3^2 + a_{1,2}x_1x_2 + a_{1,3}x_1x_3 + a_{2,3}x_2x_3 + a_{1,2,3}x_1x_2x_3$  (2) кўринишга эга.

Асфальтбетоннинг оптимал таркибини асфальтбоғловчи ва асфальтбетон даражасида босқичма-босқич аниқлаш йўл қопламаларида асфальтбетонларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш муаммосини ҳал қилишда, айниқса, мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун асфальт- боғловчининг

модификаторлар, битум ва минерал кукун миқдорига боғлиқ ҳолда 50 °Сда сиқилишга чидамлилиги синовдан ўтказилди.

Оптималлаштириш тўлиқ факторли экспериментнинг ортогонал режаси бўйича ўтказилди, шунинг учун таҳлил қилинаётган омилларнинг асфальт-боғловчининг чидамлилигига таъсирини иккинчи тартибдаги полином кўринишида тақдим этиш мумкин.


Асфальт боғловчи чидамлилигининг статистик модели куйидаги кўринишга эга:

$$Y = 7,92 + 0,313x_1 + 0,281x_2 + 0,621x_3 - 0,585x_1^2 - 3,380x_2^2 - 0,778x_3^2 + 0,0659x_1x_2 + 0,901x_1x_3 + 0,526x_2x_3 + 0,374x_1x_2x_3 \quad (3)$$

бу ерда  $Y = R_{сж}^{50} - 50$  °С да асфальт боғловчининг сиқилишга чидамлилиги.

Асфальт боғловчи таркибини оптималлаштириш уни максимал чидамликка эришишни таъминлашни назарда тутган ҳолда таркибдаги модификаторлар, битум ва минерал кукун миқдорларининг ҳар хил қийматларида режадаги мустаҳкамликка эришиш мукинлиги аниқланди. Кўриб чиқилган хулосалар орасида 50 °С хараратда сиқилишга мустаҳкамлиги ва сувга тўла тўйингандаги чидамлилиги информативлиги катта эканлиги исботланди.

7-расмдан кўриниб турганидек, таклиф этилаётган СФМ «СП-ОЭП»




7-расм. СФМ «СП-ОЭП» кўшимча миқдорининг, полимерлар кўшилган БНД-200/300 битум асосида ишлаб чиқарилган асфальт-бетоннинг - 20 °С температурада сиқилишдаги мустаҳкамлигига ( $R_{сж}$ ) ва иссиқлик коэффициенти ( $K_T$ ) га таъсири: 1-  $R_{сж}$ , с СБС «Кратон Д1101»; 2-  $K_T$ , с СБС «Кратон Д1101»; 3-  $R_{сж}$ , с «БК – 1040Т»; 4-  $K_T$ , с «БК – 1040Т»; 5-  $R_{сж}$ , с «ДСТ»; 6-  $K_T$ , с «ДСТ»

қўшимча ишлатилган полимер-битумли боғловчи (ПББ) таркибли асфальтбетон қоришмаларининг қўлланиши унинг сиқилишда мустаҳкамлик чегарасини 1,5 дан 2,4 МПа гача ошириш имконини берди.

Мустаҳкамлик чегарасини оширишга оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ПББга СФМ «СП-ОЭП» қўшимчасининг киритилиши кенг эксплуатацион ҳарорат диапазонида асфальтбетоннинг куч таъсирига қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини оширади. Бу эса эксплуатацион ҳароратларнинг кенг интервалида асфальтбетон қопламаларининг юқори ишончли-лигини таъминлайди.

СФМ «СП-ОЭП» қўшимчали ПББ асосидаги асфальтбетон намуналарининг (8-расм) синовлари унинг юқори ҳароратларда силжишга чидамли эканлигини кўрсатди, бу эса қўшимчанинг структура ҳосил қилиш қобилиятини оширишини билдиради. Структура ҳосил қилувчи СФМ «СП-ОЭП» қўшимчасининг силжишга мустаҳкамликка ижобий таъсири қўшимча миқдорининг оширилиши билан боғлиқ.



**8-расм. СФМ «СП-ОЭП» қўшимча миқдорининг, 2,0% СБС «Кратон Д1101» полимери қўшилган БНД-200/300 битум асосида ишлаб чиқарилган асфальтбетоннинг - 50 °С температурада силжишдаги мустаҳкамлигига таъсири:** 1 - Маршал схемаси бўйича, 2 - силжишдаги илакишиш кўрсаткичи, 3-бир ўқли сиқилиш

Қўшимчаларни самарадорлик кўрсаткичсини таҳлил қилинганда асфальтбетоннинг силжиш пайтидаги тўлдирғичларни ўзаро ёпишиш мустаҳкамлиги ва уларни ички ишқаланиш коэффициентини 1,5 марта ортириши, иссиқликка бардошлилиги эса (сиқилишдаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари  $R_{50}/R_{20}$ нинг нисбати) ўртача 20%га ортирилганлиги аниқланди.


Агар битумга СБС «Кратон Д1101» полимери қўшилса, бу ҳолда асфальтбетоннинг силжишдаги кўрсаткичи ва намунанинг бузилиш иши

тахминан 10%га камаяди, ички ишқаланиш коэффициентлари 10–15%га камаяди. Ушбу кўрсаткичлар битумларга полимер қўшимчалар ишлатилганда уларни эластик хоссаларининг кўтарилиши кузатилади.

